


Феруза НИЗАМОВА,
ЎзХИА «Мумтоз шарқ адабиёти ва
манбашунослик» кафедраси доц.в.б.си,
филология фанлари номзоди



ФОНИЙНИНГ «ТУҲФАТ УЛ-АФКОР» ВА ЖОМИЙНИНГ «ЛУЖЖАТ УЛ-АСРОР» ТАТАББУЛАРИ

Сўз санъати бобида шуҳрат топиб, адабиёт ихлосмандлари кўнглидан абадулабад жой олган ижодкорлардан бири, форс-тожик адабиётининг ҳам намояндаси бўлган буюк шоир ва адиб Алишер Навоийдир. Адабий анъана ва қолаверса, Шарқ қасидачилиги тарихи билан узвий боғланган, яратилишининг дастлабки кунларидан бошлаб, олқиш ва таҳсинга сазовор бўлган қасидалардан бири Алишер Навоийнинг «Туҳфат ул-афкор» ҳамда Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» татаббуларидир.

Татаббунинг ўзи нима?, деган саволга тўхталиб ўтсак. Шарқ адабиёти адабий анъаналарга жуда бой. Шулардан бири татаббучилик анъанасидир. Татаббу анъанасига кўра, ўтмиш ёки замондош шоирларнинг етук ва машҳур асарларига ўхшатма ва жавоб тариқасида мустақил шеърий асарлар кўплаб яратилган. Маълум вақтларда оддий бир тақлидчилик, деб қараб келинган бу адабий ҳодиса аслида мутлақо ижодий жараён эканлиги аллақачон исботланган. Бу ҳодиса натижасида юзага келган асар мавзусининг янги қирралари, ғоявий мотивлари, тимсолларнинг ёритилиши,

бадий қийматининг оширилиши, ўз даври тарихий шароити ва адабий муҳити руҳининг сингдирилиши билан мутлақо янги мустақил асар тарзида намоён бўлади. Бу ҳодиса натижасида юзага келган асар мумтоз адабиётшуносликда татаббу деб номланиб келган.

Татаббу тарзида юзага келган асарларни қайси асарга издошлик қилинган бўлса, ўша асар билан қиёсий ўрганиш бу адабий ҳодисанинг қонуниятларини белгилаб олишга кенг имкониятлар беради. Натижада татаббунавис шоирларнинг ижодига, бадий маҳоратига чуқурроқ, аниқроқ баҳо бериш мумкин бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, адабиёт тарихида турли давр, муҳит ва ҳудудда ижод этган шоирлар томонидан ижтимоий-фалсафий фикрларни ифодаловчи асарларга беқиёс бир маҳорат билан издошлик тарзида юзага келган татаббулар мавжуд. Татаббу даврлар ва ҳудудлар оша чинакам ижодий мусобақа тарзида юзага келган. Форс ва туркий мумтоз адабиётда татаббуда ёзилган асарларнинг ёрқин намуналарини кўплаб учратиш мумкин. Бу форс адабиётида Низомий асос солган «Хам-

са» дostonларидан тортиб, сон-саноксиз ғазаллар, қасидалар ва бошқа шеърӣ жанрларга ёзилган татаббулар учрайди.

Шундай қилиб, татаббу тақлид эмас, дастлабки асарнинг мавзусини, ғояси ва тимсолларини ижодий ўзлаштириш жараёни, илҳом манбаи, адабий услублар, анъаналар, турли халқлар ва замонлардаги маънавий бойликларининг уйғунлашувидир. Мақоламизда ана шундай забардаст татаббулардан ҳисобланган Алишер Навоийнинг «Тухфат ул-афкор»и ҳамда Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» татаббулари ҳақида фикр юритамиз.

«Тухфат ул-афкор» Султон Ҳусайн хукмронлигининг олтинчи-еттинчи, Алишер Навоий сиёсий фаолиятининг учинчи-тўртинчи йилларида, ижодий фаолият учун бирмунча ноқулай шароитда – Марв сафари вақтида вужудга келади. «Тухфат ул-афкор»нинг вужудга келишида, бир томондан, 1470-йилларда Хуросондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иккинчи томондан, Навоийнинг давлат фаолияти ва унинг Жомий билан яқин муносабати муҳим аҳамият касб этиб, ана шу омиллар қасидада ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Садриддин Айний 1926 йил Москвада нашр эттирган «Намунаи адабиёти тожик» тазкирасининг «Низомиддин Амир Алишер Навоий» зикрида ўқилиши қийин бўлган бу ёзма нусхадан «Тухфат ул-афкор»нинг 13 байтини ажратиб келтирган эди¹.

Бир йилдан сўнг проф. Фитрат «Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони» сарлавҳали мақоласида Амир Хусрав қасидасини «Баҳр ул-аброр»² тарзида тилга олгандан кейин бундай деб ёзади: «Жомийнинг унга («Дарёе аброр»га) бир назираси, ўхшатмаси бор, оти «Лужжат ул-асрор» бўлиб, Хусравникига кўра кучсизракдир. Навоий ҳам буларга «Тухфат ул-афкор» отли 26 байтдан иборат бир ўхшатма ёзган»³. Фитрат «Тухфат ул-афкор»ни 26 байтдан

ташқил топган дейди, ҳолбуки бу қасида 99 байтдан иборатдир.

Садриддин Айний ўзининг «Алишер Навоий» (Душанбе, 1948) номли монографиясида «Тухфат ул-афкор»ни машҳур қасидалар қаторига қўшиб, унинг 23 байтини келтиради. У қасиданинг айрим сўзларинигина изоҳлаб қолмасдан, бир муаммошунос олим сифатида ундаги айрим байтларнинг муаммо санъати асосида битилганини кўрсатади, мазкур байтлар мазмунини муаммо йўли билан ечади.

Ниҳоят, «Тухфат ул-афкор» 1965 йили нисбатан мукаммал нашр этилади⁴. «Девони Фоний»нинг нашрга тайёрловчиси Ҳамид Сулаймонов ушбу қасиданинг 94 байтини китобхонларга насрий таржима билан тақдим этиб, диққатга сазовор иш қилди.

1966 йилда А.Ҳайитметов ғоят машаққатли, лекин беҳад шарафли вазифани ўз зиммасига олиб, «Тухфат ул-афкор»нинг асосий қисмини ўзбек тилига шеърӣ таржима қилиб, матбуотда эълон қилади. Олим таржимага киришар экан, «Девони Фоний» нашридаги қасида матнига илова қилинган насрий таржиманинг камчиликларини ҳам тузатиб борди. Ўз таржимаси олди-дан кичик бир таҳлилий мақолача ҳам беради. Унда қасиданинг ёзилиш тарихи, умумий, ғоявий ва бадиий йўналиши ҳақида ўз фикрларини баён этади.

Навоий қасидаси «Лужжат ул-асрор»га нисбатан бир байт кам, яъни 99 байтдан ташқил топган бўлиб, бу билан муаллиф агар Амир Хусрав 100 байтдан кўпроқ ва ҳазрат Жомий 100 байт ҳажмида қасида айтган бўлсалар, мен бу борада улардан ўтолмайман, дея ўзининг бу улуғ зотларга бўлган самимият ва садоқатини қасиданинг композицион қурилишида бир рамз билан ифода этмоқчи бўлади.

Навоий ўз қасидасини

آتشیـن لعلی، که تاج حسـروان را ضـور است
احـکر بحر حـیال خام بختـن در سر است

¹ С.Айний. Намунаи адабиёти тожик. – М., 1926. –Б. 96-97.

² Маориф ва ўқитувчи. –Т., 1927. 2-сон. –Б.38.

³ Маориф ва ўқитувчи. 1927. 2-сон. –Б.38.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар / 15 томлик; Девони Фоний, 5 том, иккинчи китоб. – Т.: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –Б. 346 – 363.

яъни, «подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чўғдир» – мазмунидаги байт билан бошлайди.

«Тухфат ул-афкор» қасидасида Навоийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари тўлақонли акс эттирилган. Унда Навоий инсонни улуғлайди, покликни, ўз меҳнати билан топилган озга қаноат қилишдек хислатларни юқори баҳолайди.

Қасиданинг бошиданоқ, ўқувчини фикрлашга мажбур қилади, катта ижтимоий масалалар устида фикр юритишга етаклаб кетади. Шоир жамиятдаги турли табақаларга баҳо беришга ўтади – шоҳдан дарвишга, ҳожилар, қозилар, фақиҳлар, муҳандислар, меҳнаткашлар, деҳқонлар, дин арбоблари ҳақидаги фикрларини баён эта боради. Ва ниҳоят, қасида бағишланган Абдурахмон Жомийга мадҳ ёзади.

Навоий иккинчи байтдан бошлаб шоҳга тавсиф беради:

Ше кە یاد از مرک نارد زوست ویرانی ملک
خسرو بی عاقبت خسر بیلا د و کشور است
قید زینت مسقط فر و شکوه خسرو بیست
شیر زنجیری ز شیر بیشه کم صولتتر است

Мазмуни: охират ҳақида ўйламайдиган шоҳ мамлакатнинг вайроналиги сабабчиси бўлади. Ишининг оқибати ҳақида ўйламайдиган шоҳ мамлакатга зарар келтиради. Зебу зийнатларга берилиш шоҳнинг шон-шавкатидан ажралишига олиб келади. Занжирбанд шернинг қудрати ўрмон шеридан камроқдир.

Бу ерда сўз ўйини бўляпти. Хусрав (шоҳ) сўзи ва хўср (зарар) сўзлари шаклдошлигидан моҳирона фойдаланилган. Чуқур муқоясалар ёрдамида шоирнинг муҳим фикрлари ифодаланган: жабрлаш ва ҳақиқат – бу иккови чўчка ва деҳқонга ўхшайди. Чўчка ҳудди ерни ҳайдаётгандай, аслида эса у қўпоряпти, деҳқон эса уни экиш ва обод қилиш учун ҳайдайди.

ظالم و عادل نه یکسانند در تعمیر ملک
خوک دیگر در شیار و خوک و دهقان دیگر است

Мазмуни: золим ва одил мамлакатнинг таъмири учун бир хил эмас, ерни

ҳайдашда чўчка бошқаю, деҳқон бошқадир.

Шоир ўз даври жамиятининг турли табақаларига баҳо бериб, меҳнат ва билим қадрини юқори баҳолайди:

خیابان در بایه بالاتر ز جباران که ملک
به خرامد بر منار کرجه از شیر احقر است

Мазмуни: камтар (меҳнаткашлар) золим – жабборларга қараганда баландроқ ўриндадир. Чунки чумолилар шер олдида жуда мажолсиз бўлса-да минорага чиқа олади.

Жабрловчи амир, шайх, зодагонларни Навоий Жомийга қараганда қаттиқ қоралайди:

جسم بر مال فقرانند عمال ارو
شاه را خر مال می ماند که قوت لشکر است

Мазмуни: зодагонларнинг қўзи камбағалларнинг мол-мулкини кўради ва уни тортиб олади. Шоҳнинг қўл остидаги лашкарлари эса бойлик йиғади.

Байт шуниси билан диққатга сазоворки, Навоий ўз даврининг асосий ижтимоий-иқтисодий қонуниятларини, яъни меҳнаткашларнинг ўз меҳнати фойдасидан ажралишини кўрсатган байти ҳам мавжуд:

مخنت افلاش مفرط در کرانی قاف دان
قاف شد جون قافه بیجد کشت و این لشکر است

Мазмуни: унинг меҳнати оғирлигини «Қоф» тоғидай бил. Ва лекин шу оғирлик ундан юз ўгирса, муҳтожликка айланади.

Навоий татаббучилик принципига амал қилиб, матлаъдаги фикрни ривожлантириб боради ва ўқувчини молдунё тўплашга ҳирс қўйган йирик сарой мансабдори – хўжа, очкўз раис – садр, мунофиқ шайх, товламачи ҳийлагар, тамагир воиз, тасбиҳ ўғирувчи мутаассиб, шариат қонун-қоидаларини фирибгарлик қуроли қилиб олган фақиҳ, ҳийлагар қози, жабру жафони ёқловчи тоифа билан бир-бир таништиради.

Тадриж услубида битилган ана шу байтларда Навоий ахлоқ масалаларидан муфассал баҳс қилади, очкўзликни қора-

лайди, кишиларни эҳтиёткор бўлишга, тилни тийишга даъват этади. Муаллиф 64-65 байтларда «Лужжат ул-асрор» матлаъини тазмин қилгач, киши характеридаги бир неча мисра ёзади-да, «ҳомии шеъри матни Жомий» мадҳига кенгроқ тўхталади. Уни бир шариат пешвоси, забардаст олим ва буюк шоир сифатида тилга олади.

«Тухфат ул-афкор» ёзилган даврда Навоий билан Жомий ўртасидаги дўстлик, самимият тобора кучайиб, шоир кўнглида Жомийни ўзига пир танлаш, нақшбандия тариқатига кириш иштиёқи алангаланиб турганди. Шунинг ҳам зикр этиб ўтиш керакки, агар Жомийга биргина «Дарёе аброр»га жавоб айтиш тўғри келган бўлса, Навоий ҳам «Дарёе аброр», ҳам «Лужжат ул-асрор»га татаббу қилиши лозим эди. Демак, бундан маълум бўлишича, Навоий олдида анча оғир ва мураккаб вазифа турар эди. Лекин жўшқин қалб ва юксак маҳорат эгаси Навоий бундай вазифани бемалол уддалай олди. Шоир татаббу объектини чуқур ва мукамал ўрганиб, бир қатор масалаларда улар билан ҳамфикр эканлигини очиқ билдиради. У айрим ўринларда «Дарёе аброр»даги фикрни ривожлантирса, баъзи ҳолларда «Лужжат ул-асрор»даги байтларни такомиллаштиради. Бу мулоҳазани қуйидаги намуналар ҳам тасдиқлайди:

Амир Хусрав:

Эй бародар, модар даҳр ар хунад,
маранж,

Чун туро хуне бародар ҳамчу шири
модар аст.

Мазмуни: Эй биродар, агар она дунё сенинг қонингни ичса ранжима, чунки сенга биродаринг қони онангининг сути кабидир.

«Тухфат ул-афкор»да шоир ўзининг давлатни идора этиш ҳақидаги фикрларини муаммо йўли билан ифодалаган. Тўғри, бундай байтлар Жомий қасидасида ҳам мавжуд, аммо «Тухфат ул-афкор»да бундай байтлар анчагина.

«Тухфат ул-афкор» ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук санъат намунаси

бўлиб, шоирнинг ижтимоий фикрлари, фалсафий-ахлоқий мулоҳазаларига бойдир. Қасиданинг лирик қаҳрамони бир ҳассос шоир сифатидагина эмас, балки сиёсий давлат арбоби сифатида ҳам мулоҳаза юритади, унда ўзининг улкан адолат асосида бошқариш, давлат лавозимига тайинлангандан кейин шахсий бойишни эмас, балки халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ҳақидаги фикрларини равшан баён этади. Шунинг учун ҳам бу асарда йирик давлат арбоби – амири кабир Низомиддин Алишер Навоийнинг истефога чиқиш сабаблари ҳам баён қилинади. Шоир «Хамсат ул-мутахаййирин»да «Тухфат ул-афкор»нинг вужудга келиш ва шуҳрат қозониш сабабларини баён қилиб бўлгач, «фақир ул вақтдаким, мулозаматга машхур эрдим, доим ул ҳазратга махласим бобида илтимослар қилиб эрдим. Агар ҳар навъ сўз била фақирга таскин берур эрдилар»⁵, деб ёзиши ҳам бизнинг мулоҳазамизни қувватлаши мумкин.

«Тухфат ул-афкор» Алишер Навоийни янгидан ижодий ишларга ундади. Шоир «Хамсат ул-мутахаййирин»да ўз қасидасига татаббу қилиш нияти борлигини ва бунинг учун ажойиб матлаъ ёзганини айтади. Унинг фикрича, ёзилажак қасидада «Тухфат ул-афкор»да бўлгани каби давлатни бошқариш чоралари эмас, балки дарвешлар маддоҳлиги, кенг меҳнаткашлар оммасининг таъриф-тавсифи ҳақида ҳикоя қилинади⁶.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий Хусрав Дехлавийнинг «Дарёе аброр» ва Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» қасидаларининг бадиий хусусиятлари, ғоявий асослари, фалсафий негизларини ижодий ўрганиб, ўзлаштириб, теран фикрлар хазинасидан иборат гўзал қасида яратди. Ҳақиқатан ҳам, «Дарёе аброр» туркумидаги қасидаларни янгича мазмун, янгича образ билан бойитишда, жозибадор қилишда Амир Хусрав ва Жомийлар билан бир қаторда Навоийнинг ҳам хизматлари улкандир.

⁵ Жомий ва Навоий. 41-бет.

⁶ Жомий ва Навоий. 40-бет.